

КЕЛИБ ТУШАЁТГАН МУРОЖААТЛАР ТҮФРИСИДА МАЪЛУМОТ

Халқ таълими тизимига сўнги йилларда жисмоний ва юридик шахслар томонидан кўриб чиқиш учун юборилган мурожаатлар сони кескин ошиши кузатилмоқда. Хусусан, 2017 йилда **8 мингтага** яқин мурожаат бўлган бўлса, 2020 йилда **23,5 минг** мурожаат ва 2021 йил давомида **30 320 та** мурожаат кўриб чиқилган. Мурожаатлар шўъбаси томонидан кўриб чиқилаётган бир кунлик мурожаатлар сони ўртача **300-350 тани**, шундан **90-120 таси** марказий аппаратга қолганлари ҳудудий бошқармаларга кўриб чиқиш учун юборилади.

Маълумот учун: Мурожаатларнинг асосий қисми Президент виртуал қабулхонасидан келиб тушган бўлиб, 2019 йил – **13 801 та**, 2020 йил – **12 306 та**, 2021 йилда – **15 459 тани** ташкил этган.

Қолган мурожаатлар бевосита вазирлик ва ҳудудий бўлинмаларга оғзаки, ёзма ва электрон тарзда келиб тушган. Ўтган 2021 йил давомида вазирликнинг марказий аппаратига **10 756 та** мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан **2 438 та** мурожаатчи тўғридан-тўғри вазир қабулига келган. Ўз навбатида, мурожаатларнинг **2 545 таси** коррупцияга қарши курашиш комплаенс назоратини амалга ошириш бўлими ҳиссасига тўғри келиб, бўлимга йўналтирилган мурожаатлар тегишлилиги бўйича ҳудудий секторда фаолият юритаётган ходимлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилган.